УДК 8.04

ШЕЪР АРХИТЕКТОНИКАСИ ВА УНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИКДАГИ ТАЛҚИНЛАРИ

Т.Ш. Тожидинов

Мақолада “архитектоника” тушунчасининг адабиётшуносликдаги талқинларига таянган ҳолда бадиий асар, хусусан, шеър архитектоникаси ўрганилган. Архитектоника қонуниятларининг бадиий асар учун хусусийлашиш шартлари таҳлил қилинган. Архитектоникага ифода воситаси сифатида қаралган бўлиб, айни қараш унинг ўзига хослигини таъмин этувчи жиҳатдир. Лирик асар архитектоникасини ташкил қилувчи унсурлар тавсифланиб, уларнинг мазмун ифодасидаги роли ёритилган. Шунингдек, янги ўзбек шеъриятидаги шаклий янгиланишларга архитектоник бирлик сифатида қаралган.

Калит сўзлар: *архитектоника, тематик композиция*, *шеър, график шакл, ёндош матн*.

В статье на основе имеющихся в литературоведении интерпретаций понятия “архитектоника” рассматриваются архитектоника литературно-художественного произведения, условия применения законов архитектоники к художественному произведению. Архитектоника понимается как средство выразительности, что составляет основу и обеспечивает своеобразие концепции автора. Классифицируются составные части архитектоники лирического стихотворения, освещается их роль в выражении содержания. Формальные новшества в современной (новой) узбекской поэзии трактуются как единицы архитектоники.

Ключевые слова: *архитектоника, тематическая композиция, стихотворение, графическая форма, сопроводительный текст.*

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да архитектоника атамаси ҳақида қуйидагича сўз боради: "(лот. – қурилиш санъати) – санъат, кўпинча меъморчилик асарларининг асосий ва иккиламчи даражали қисмларининг ўзаро мутаносиблиги. Архитектоника қонунлар тизими сифатида ўзаро муносабатда бўлган қисмларнинг мувофиқлигини ифодалайди” [1. Б. 669]. Ушбу истилоҳнинг меъморчилик санъати мисолида тушунтирилишининг асосий сабаби атаманинг туб моҳияти билан боғлиқ. Бу моҳият архитектоника учун асарнинг моддий жиҳати бирламчи масала эканлиги билан характерланади. Меъморчилик намунасида ифода этилган мазмун бир қарашда яхлит бутунлик сифатида қабул қилиш мумкин бўлган моддий деталлар воситасида англанади. Барпо этилаётган иншоотни ташкил қилган деталларнинг барчаси унинг фойдаланиш мақсади, иқлим шароитлари, ёндош биноларнинг хусусиятлари ва бошқаларни инобатга олган ҳолда ташкилланадики, оқибат маълум услуб, анъана ва янгиликка эга, меъморнинг дунёқарашини ифода этган санъат асари яралади. Энг аҳамиятли жиҳати, юқорида саналганларнинг барчаси асарнинг моддий бирликлари воситасида вужудга келади ва ихлосмандлар томонидан қайта идрок қилинади. Кўринадики, асар архитектоникаси учун асарни ташкил қилган моддий бирликлар объект вазифасини бажаради. Таърифнинг “*кўпинча меъморчилик асарларининг...”* дейилган қисмига диққат қилинса, архитектоника истилоҳи санъатнинг бошқа (санъат) турларига ҳам бирдек тааллуқли эканлигини англаш мумкин.

Хусусан, санъат тури сифатида қараладиган адабиётнинг яратиғи – бадиий асар ҳам ўз архитектоникасига эга. Бадиий асарнинг моддий жиҳати эса сўз, унинг ифода шакли, жойлашиш ўрни, маълум қонуниятлар асосида ташкилланган гуруҳлар (бўлим, боб, саҳна, парда, банд, ва ҳ.) ва уларнинг ўзаро муносабатидан иборатдир. Юқорида саналган бирликларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ жуда кўп комбинацияларни кузатиш мумкинки, бу ягона асарга тегишли архитектониканинг бетакрорлигини таъминлайди.

Санъатнинг барча яратиқлари учун умумий бўлган юқоридаги таърифга тегишли *"асарнинг асосий ва иккиламчи даражали қисмларининг ўзаро мутаносиблиги"* дейилган ўрни

архитектониканинг ҳар бир санъат турида ўзига хос кўринишда намоён бўлишини англатади. Ҳар бир санъат турининг объекти бир-биридан кескин фарқ қилганлиги сабабли унинг таркибий қисмлари ҳам мос равишда фарқланади. Шунга кўра, маълум санъат асарининг моддий жиҳатига тегишли таркибий қисмлари, қисмларнинг мақоми (асосий ёки иккиламчи), уларнинг ўзаро муносабати ва мутаносиблигини аниқлаш шу асар мансуб санъат турига хос архитектоника ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишдаги бирламчи масала бўлиб қолади.

Юқоридагиларга таяниб, конкрет асарнинг таркибий қисмлари, улар ўртасидаги муносабат ва қисмларнинг ўзаро мутаносиблиги айни шу асаргагина тегишли бўлган архитектоникани ташкил қилади, дейиш ўринли бўлади.

М.В.Загидуллина ушбу терминнинг адабиёт билан боғлиқ мазмуни ҳақида "Архитектоника – бу адабий асарнинг бир бутун сифатида қурилиши, унинг асосий таркибий қисмлари ва элементларининг муносабатлари" [2. Б. 131] дея юқоридаги умумий таъриф билан деярли бир хил фикр билдирса-да, "Архитектоника атамасининг "асосий мазмуни" унинг объектига таяниб аниқланади" [2. Б. 131] деган ўринда биз каби архитектоника ҳар бир конкрет асарда ўзгача моҳият касб этишига ишора қилади.

Архитектоникага хос бетакрорлик нафақат санъатнинг қатор турлариаро, балки ягона санъат турининг турли тармоқлари орасида ҳам сақланиб қолади. Хусусан, тушунчага хос бу хусусият бадиий адабиётнинг эпик, драматик ва лирик турларида ҳам яққол намоён бўлади. Чунки "анъанавий равишда адабий асарларнинг нутқий ташкилланиши, тасвир предмети, объекти ва субъекти муносабати каби жиҳатлари билан умумийлик касб этувчи йирик гуруҳлар – эпик, лирик ва драматик турлар ажратиб келинади" [3. Б. 351]. Юқорида таъкидланган бадиий асарни турларга ажратишдаги муҳим жиҳатлар асар архитектоникаси учун ҳам белгиловчи асосий нуқта вазифасини бажаради.

Лирик турнинг ифода шакли ва унинг ўзига хос артефакти архитектоникага хос хусусиятларни тўлақонли очиб беришга имкон беради. "…лирик асарнинг матний (ташқи) қурилишида ҳам асосий ва ёндош (иккиламчи таъкид бизники – Т.Т) матн фарқланади. Мисра ва бандларга бўлиниш асосий матнга тааллуқли бўлса, сарлавҳа, жанр қайди, эпиграф, бағишлов, шеър ёзилган сана ва жой қайди рамка (ёндош матн) унсурларидир" [3. Б. 220]. Фақат шеърий нутққагина хос бўлган шеър артефакти шу гуруҳга кирувчи барча асарлар архитектоникасида белгиловчи жиҳат бўлиб хизмат қилади. Асар артефакти ўқувчини бадиий асар ўқишга хос руҳий ҳолатга тайёрлашда энг бирламчи омилдир. Ҳали рўёблашмаган (ўқилиши мақсад қилинган, лекин ҳали мутолааси бошланмаган) шеър мазмунига дастлабки муносабат, матнни бадиий асар дея қабул қилиш, айни асар артефакти воситасида амалга ошади. Ифода шаклига кўра бир-биридан фарқланувчи насрий ва шеърий асарларда артефакт мос равишда фарқли моҳият касб этади. Бу фарқлиликни насрдан адабий асар шаклидан ташқари ахборотнинг ҳар қандай турини ифода этишда фойдаланилиши билан тушунтириш мумкин. Насрда ёзилган информация бир қарашда фақат адабий асар ихлосманди ёки филолог мутахассис учун адабий асар сифатида тасаввур уйғотса, бошқа соҳа вакиллари учун бир қарашда ўз машғулотларига мос информация жамланмасидек моҳият касб этади. Шунга кўра, бадиий асар артефакти ўзининг бор бўйбастини фақат бадиий асаргагина хос бўлган ифода шакли – шеърий нутқда (шу ўринда бадиий асарнинг илк намуналарида ҳам шеърий нутққа хос унсурларнинг мавжудлигини таъкидлаш ўринли) тўла намоён қилади. Яъни шеърий шаклдаги артефактни кўрган ўқувчи ҳеч қандай иккиланишсиз ўзини бадиий асарга хос информацияни қабул қилишга қайта дастурлайди.

"Адабий асарнинг моддий асоси (артефакт) саналувчи матн ўқувчи унга бадиий информация олиш нияти билан ёндашган тақдирдагина эстетик объектга, бадиият ҳодисасига айланади. Зеро, бадиият ҳодисаси фақат икки онг туташган нуқтадагина мавжуд (М. Бахтин) бўла олади..." [3. Б. 118] юқоридаги фикрга тўла қўшилган ҳолда таъкидлаш керакки, артефакт шоир ва ўқувчи учун бир-биридан кескин фарқ қиладиган қиммат касб этади. Буни тушунтириш учун "икки онг"нинг ўз вазифаларини бажариш жарёни алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниши керак бўлади. Шоир ижод вақтида ўзида мавжуд кечинмани аслига монанд ифода этиш имконини берувчи шаклни танлайди. Кўзланган мақсадни икки муҳим омилга таяниб амалга оширади:

1. Ўқувчини максимал даражада ўзи билан бир хил руҳий ҳолатга солиш.

2. Кечинманинг аслидан фарқли қабул қилинишининг олдини олиш.

Юқоридаги ҳар иккала вазифанинг бажарилишида шеърнинг шаклидан унумли фойдаланилади ва шеърнинг мавжуд артефакти юқорида қўйилган талабларнинг натижаси ўлароқ шаклланади. Шунга кўра, шеър артефактини лирик асар архитектоникасига тегишли бирламчи жиҳат сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

М.В.Загидуллина фикрларини давом эттириб, “Термин беқарор. Структура маъносида ҳам, композиция маъносида ҳам қўлланади” [2. Б. 131] қабилида муносабат билдирадики, бу композиция, структура ва архитектоника орасидаги чегарани аниқлаб олишга эҳтиёж туғдиради. Сўз шеър архитектоникаси ҳақида борар экан, композициянинг шеър хусусиятларини тўла ифода эта оладиган шакли – тематик композицияни назарда тутиш ўринли бўлади. Қуйида композиция ва архитектоника ўртасидаги фарқлиликни кўриб чиқамиз.

а) “композиция кичик маъновий қисмларнинг ижодкор наздидаги энг тўғри жойлашуви (бадиий асар қисмларини яхлит бадиий ният ижроси учун энг оптимал ҳолда жойлаштириш)” [4. Б. 141] бўлса, архитектоника ўзаро алоқага киришаётган қисмларнинг ўз турдошлари билан муносабатга киришиши учун энг қулай шаклидир.

Чарх, ўткир қилиб қўй болтангни,
Чуғурчуқ йигиргин сим, арқон,
Юзини ўгирди
Ахир ёр –
Чиқсанг – чиқ,
Кетсанг – кет, энди, жон [5. Б. 5].

Дастлабки мисраларда “*чарх*”, “*чуғурчуқ*” образларига юкланган акс мазмунлар ўқувчининг ҳайратига сабаб бўлиш билан бирга унинг диққатини жамлашга хизмат қилади. Айни вақтда ўқувчи ўзгача бошланмага эга шеърдан муносиб давом кутади. Бундай бошланмага эга композиция яратиш билан шоир ўқувчини шеърнинг марказий қисмига тайёрлайди. Ўқувчини кульминацияга мос баланд руҳий ҳолатга кўтаради.

Навбатдаги тематик қисмнинг ўқувчи кутувига мос “баланд” бўлишини эса архитектоник бирлик (мисра шакли) таъминлаб беради.

Юзини ўгирди
Ахир ёр –

Ритмик-интонацион жиҳатдан бир мисрага тенг қисмни икки сатрга ажратиб ифодалаш билан мисрада таъкидланган воқеликнинг лирик қаҳрамон учун нақадар аҳамиятли эканлигига (кўпчилик шеърлар мавзусини айрилиқ ташкил этиши бундай кечинманинг ўқувчи томонидан оддий қабул қилинишига олиб келади) ишора қилади. Архитектоника билан боғлиқ бу амалиёт кульминацияни ўқувчи кутган “баланд” даражага кўтаради ва ўзидан аввалги ва кейинги қисмлар билан алоқасини таъминлайди.

б) конкрет асарда композиция ва архитектоника бир вақтда мавжуд эса-да, уларнинг ижод ва ўқув жараёнидаги фаоллиги бир-биридан фақланади. Композициянинг фаоллиги ижод жараёнида нисбатан юқори бўлса, архитектоника бундан фарқли ўқув жараёнида ўзини намоён қилади. Айни вақтда, композиция учун ижодкор, архитектоника учун эса ўқувчи субъект вазифасини бажаради. Шунга кўра, “ижодкор – ижод жараёни – композиция – мазмун”; “ўқувчи – архитектоника – ўқув жараёни – мазмун” чизиғи юзага келади. Композициянинг мавжудлик йўналиши мазмундан шаклга қараб ҳаракатланса, архитектоникада, аксинча, шаклдан мазмунга қараб ҳаракатланади. Яъни ижодкор ўзи англаган мазмун учун мос композиция яратади ва унинг ифодаси учун қулай архитектоника ташкиллайди, ўқувчи эса қўлидаги архитектоника (моддийлик)га таяниб асар композициясини ва унинг воситасида мазмунни қайта идрок этади. Юқоридаги шеър мисолида кўрилса, шеърдаги кечинмалар тартиби ижодкор наздидаги мазмунга мос тартиблангани сабабидан банд мисраларининг тартиби юқоридаги кетма-кетликда жойланган. Ҳали ўқувчи учун рўёбга чиқмаган мазмунга алоҳида эътиборни жалб қилишга эса 3-мисрадаги ноодатий (биринчи ва иккинчи мисрадан фарқли) шаклни сабаб сифтида кўрсатиш мумкин.

с) ҳар бир асарга система деб қаралар экан композицияда система элементларининг ўзаро, шу билан бирга бутун билан бўладиган алоқаси уюштирилиб, мавжуд қисмларнинг тартиби бирламчи масала бўлса, архитектоника кичик маъновий қисмларнинг (элементларнинг) рўёбга чиқиш шартларини ифода қилади ва муносабатга киришиши учун энг муқобил шаклини яратади. Бу ўринда композиция бутунни, архитектоника эса қисмни шакллантирар экан, композиция архитектоникага нисбатан катта қамровга эга, деган хуло-

са хато бўлади. Бу икки тушунчанинг бир-биридан фарқли эканлигини янада аниқроқ англаш учун ягона шеърда ҳар иккисига тегишли унсурларни аниқлаб кўрамиз.

Шунда
Яноқларинг ловулладилар,
Шудринг жаранглади гулбаргга томиб.
Сочларинг елкангда шовулладилар,
Кўзларингни юмиб... кўзларингни юмиб...

Шунда мен ўзимни койидим ёмон:
Нега сени ёмон кўрибман, дунё?
Шунда
Қудратингга келтирдим иймон,
Ўзингга санолар айтдим, раббано! [6. Б. 148]

Ҳар иккала бандning иккинчи мисрасини биринчиси билан, тўртинчи мисрасини учинчи мисраси билан ўрин алмаштирилса, нафақат шеър техникаси сақланади, бундан ташқари бандда ифодаланган кечинмаларни камчилик ва ортиқчаликларсиз англаш мумкин. Фақат бу ўринда композицияга хос сабаб-натижа қонунияти бузилади. Яъни тасвирга олинган қаҳрамон “Яноқлари ловуллагач” йиғлаган (*Шудринг жаранглади гулбаргга томиб*) эмас, аксинча, “*Шудринг жаранглади гулбаргга томиб*” (йиғлагач) яноқлари ловуллагани тушунилади. Мавжуд тасвирлардан биз ҳосил қилган ҳар иккала мазмун танланган композициянинг натижасидир. Бу амалиётни юқоридаги шеърга тегишли бандларнинг ўрнини алмаштириш орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

Шеърдан олинган парчадаги архитектоник белгилар эса қуйидагилардан иборат:

Мисралар орасидаги чегара. Юқоридаги шеър мисраларини шакллантирган омиллар бўғинлар сони ва қофиядош сўзлардангина иборат эмас. Ҳар бир мисрада тугалланган кечинма ифодалангани билан ҳам характерланади. Ва бу нисбий тугаллик мисраларни ўзаро тенг мақомга кўтарган. Бир хил хусусиятларга эга эканлиги бутун (банд)ни ташкил қилаётган қисм (мисра) учун белгиловчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Бандлар орасидаги чегара. Йигирма мисрадан (шеърнинг давоми ҳам бор) иборат умумий қисмнинг айни юқорида кўрсатилган ўринлардан бандларга ажратилиши архитектониканинг белгиларидан биридир. Чегаранинг айни ўринлардан қўйилиши ҳосил бўлган қисмнинг нисбий тугал мазмунга эга эканлиги ва ўзи билан тенг мақомдаги қисмлар билан турли алоқалар ўрнатишга қодирлигини англатади.

Мисра бўлиниши (мисранинг ноодатий шакли).

Шунда
Яноқларинг лувулладилар,
…
Шунда
Қудратингга келтирдим иймон,

қолган мисралар каби бир сатрда эмас, балки икки сатрга тақсимлаб ифодаланган бу мисралар ўзига хос ифода воситасидир. Бундай амалиёт билан ўқувчи диққатини кечинманинг юзага чиқиш сабаби ва вақтига йўналтиришга эришилган.

Композиция қонуният эмас, балки асарнинг ёзилиш жараёни билан ҳамоҳанг юзага келадиган яратиқдир. Архитектоника эса кўп ҳолларда асар мазмуни ва композицияси ўртасида мутаносибликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Дунёни бўлиб олиш

Камбағал бизники. Бойлар сизники.
Ҳақиқат бизники. Ёлғон сизники.
… …
Манглай тер бизники. Ҳаром сизники.
Биз Ҳақнинг қулимиз. Дунё сизники [7. Б. 144)].

Шеърнинг бундай (икки устун) график шакли бир қарашда мазмундаги зидликнинг натижасидек тасаввур уйғотади. Композиция яратишда образларни ўзаро зид қўллаш (контраст) амалиёти бор гап. Аммо образлар орасидаги композицион зидликни график шакл юзага чиқаргани йўқ. Аксинча, мазмундаги зидлик шеърни айни шу кўринишда шакллантиришга мажбур қилади. Бу ўринда архитектониканинг таркибий қисми бўлган график шакл композициянинг ўз вазифасини тўлақонли бажаришига ва, қолаверса, мазмуннинг айни назарда тутилганидек қабул қилинишига хизмат қилган. Архитектониканинг бу вазифасини аввалдан тайёр мазмуннинг тақдим этилиш шакли дея баҳолаш ўринли бўлади.

Юқоридагиларга таяниб, шеър архитектоникаси дейилганда қуйидаги жиҳатларни текшириб чиқишни бирламчи масала сифатида кўрамиз.

1. Санъатнинг барча турлари учун умумий масала ўлароқ шеърнинг бирламчи ва икки-

ламчи қисмларининг мақоми ва чегарасини белгилаш.

а) асосий қисм;

б) ёндош матн – рамка элементлари (сарлавҳа, эпиграф, жанр қайди, бағишлов, изоҳ, асар яратилган жой ва вақт қайди).

2. Асосий қисм ва рамка элементларининг ўзаро муносабати ҳамда мутаносиблиги, мазмуннинг англанишида қисмларнинг роли; Асар – яхлит бир система. Адабий асар унинг барча таркибий қисмлари ўз ўрнида жойлашган ва вазифаларини тўла бажарган ҳолдагина мукаммаллик касб этади. Шунга кўра, қайсидир қисмни асосий, бошқа бир қисмни ёрдамчи сифатида баҳолаш бирёқлама моҳият касб этади. Юқорида ёндош матн дея баҳоланган қисмларга асарнинг ташқи қурилишини ташкилловчи бирликлар сифатида қаралса-да, мазмуннинг англанишида уларнинг қатъий вазифаси мавжуд.

Менга
минг бор зулм
етмакда, дедим,
ағёр англадию, сен англамадинг.

Ахир,
Орол қуриб
кетмакда, дедим,
Девор англадию, сен англамадинг [8. Б. 98].

Шеърнинг умумий мазмуни лирик қаҳрамоннинг у билан зиддиятда турган бошқа бир қаҳрамонга эътирозларидан иборат. Биринчи бандда эътироз лирик қаҳрамоннинг руҳияти билан боғлиқ шахсий масаладек кўринса, иккинчи бандда ўз вақтида (ҳозир ҳам) даврнинг энг жиддий масаласи сифатида кўтарилган Оролнинг қуриши билан боғлиқ. Шеърнинг асосий қисми билангина танишган ўқувчида мазмуннинг англаниши билан боғлиқ талай саволлар юзага келади. Чунки шеърнинг биринчи бандидан англанган мазмун шу қадар умумийки, исталган лирик қаҳрамоннинг унга нисбатан қилинган ҳар қандай ноҳақликка эътирози ўлароқ қабул қилинаверади. Яъни лирик қаҳрамон билан зиддиятда турган қаҳрамон исталган киши бўлиши мумкин. Бундан ташқари ўқувчида “ағёр”, “девор”нинг ким эканлиги ҳақидаги саволлар ҳам очиқ қолади. Шеърнинг сарлавҳаси айрим саволларга ойдинлик киритади ва мазмунни тушунарли шаклга келишига ўз ҳиссасини қўшади. “Тождор хўрозга” сарлавҳаси шеърнинг ҳар иккала банди бир образга қаратилганлигини англатади. Ақлга тайинки, бу ўринда “Тождор хўроз” образ бўлиб, унинг айни ким ёки кимлар эканлигининг очиқланиши шеър мазмунини тўла англашга хизмат қилади. Бу ўринда лирик қаҳрамонга етказилаётган зулм ва Оролнинг қуришига таъсир ўтказа оладиган қаҳрамон образи назарда тутилган. Кўринадики, асарнинг асосий қисми ва сарлавҳанинг бирлиги ҳам барча тушунмовчиликларга ойдинлик кирита олгани йўқ. Бу ўринда асарнинг асосий қисми, сарлавҳа ва асар яратилган вақт қайдининг биргаликдаги муносабатигина очиқ қолган саволларнинг жавоби бўла олади.

“1985 йил”. Ушбу қайд шеърнинг асосий қисми ва сарлавҳа ўртасида муносабат ўрнатиш билан бирга шеърнинг яхлит мазмунини англашдаги муҳим нуқта бўлади. Сарлавҳа ва 1985 йил воқеаларининг алоқага киришиши “Тождор хўроз”нинг кимлигига ойдинлик киритади. “1985 йил март ойида М.С.Горбачёв КПССнинг Бош котиби лавозимини эгаллади” [8. Б. 216]. Асар яратилган йил ва СССР бош котибининг ҳокимият тепасига келишидаги умумийликнинг ўзигина биз қидирган қаҳрамоннинг Горбачёв эканлигини исботлаш учун етарли эмас, албатта. Аммо Горбачёвнинг ташқи кўринишидаги алоҳида белгиси, бошида қизил белгининг мавжудлиги халқ орасида унга турлича таърифларнинг берилишига сабаб бўлган. “Тождор хўроз” мана шундай “халқ донишмандлиги”нинг бир намунаси эди. Кўринадики, лирик қаҳрамоннинг эътирозлари ўша асар яртилган давр давлат раҳбарига қаратилган. Бу мазмунни англаш линияси эса “*асар яртилган вақт қайди – сарлавҳа – асосий қисм*” тартибида кўриниш олди. Бундан тушуниш мумкинки, асарнинг асосий қисми рамка элементларисиз қимматга эга эмас.

3. Мазмун ифодаси учун энг мақбул ифода шакли сифатида шеърнинг график шаклланиш асослари.

а) бандларга ажратилмаган шеър хусусиятлари;

б) шеърни бандларга ажратиш мезонлари;

с) мисра ва бандниг ноодатий шакли билан боғлиқ ифода воситалари.

4. Бадиий тасвир ва ифода воситаси сифатида тилнинг турли сатҳларида кузатилувчи меъёрдан оғишларнинг шеър моддиятидаги ифодаси.

Шеър архитектоникаси асарнинг моддий жиҳати билин иш кўрар экан, орфографик меъёрлардан оғиш ёзувда моддийлашгани са-

бабидан архитектоник бирлик сифатида алоҳида моҳият касб этади. Бадиий асар ёзма нутқнинг бир кўриниши, қолаверса, кечиктирилган суҳбат эканлигини инобатга олсак, оғзаки нутқнинг оний лаҳзасигагина тааллуқли маъно нозикликларини ҳарфлар воситасида ифода этиш айрича ёндашувни талаб қилади. Сўзловчи бу маъно нозикликларини юз-кўз мимикаси, қолаверса, ижродаги оҳанги ва тана ҳаракатлари билан ифода этади. Ўз навбатида, юқоридаги хатти-ҳаракатлар сўзнинг лексик маъносига турли услубий бўёқларни юклайди. Драматик асарда суҳбат иштирокчиларининг субъектив муносабатини ифодалаш муаммосини ремаркалар ёрдамида қисман бартараф этиш мумкин бўлса, адабий асарнинг бошқа турларида бу жараён нисбатан мураккаб тус олади. Асосан, шеърий шаклда ифодаланган лирик асарларда бу ўзига хос қийинчиликни юзага келтиради. Шеърий асарга хос ритмиклик, лирик турга хос изчилликка юқорида назарда тутилган қийинчиликнинг сабаби сифатида қараш мумкин. Шеъриятда бундай ифода жа-раёни сўзнинг моддий томони устида турли амалиётларни бажариш орқали амалга оши-рилади. Кўзланган мақсад эса унинг қайта воқе бўлишидаги оҳангни аслига (ижодкор истага-нидек) яқинлаштиришдир.

Масалан, А. Қутбиддин шеъридан олинган парчага диққат қилайлик.

Соҳибдилим – дилоро,
Аййт, тўхтасин карвон. [4. Б. 9]

Амалдаги орфографик меъёрга кўра “Аййт” феъли “айт” кўринишида ёзилиши керак. Бу ўринда ижодкорни саводсизга чиқариш (гарчанд ақлга сиғмаса ҳам) ёки сўз шаклидаги ўзгачаликни техник хатолик дея баҳолаб беэътибор қолдириш шеър мазмунидаги катта йўқотишга сабаб бўлади.

“Аййт” сўзидаги “й” ундоши унинг иккиланган эмас, чўзиб талаффуз қилинганини англатади. Гарчанд амалдаги талаффуз меъёрларига кўра ундош товушлар чўзиб талаффуз этилмаса-да, “й” сирғалувчи ундоши (сирғалувчиларнинг портловчига нисбатан талаффуз вақтининг узоқлиги) бунга имкон беради. “Айт” сўзидаги “а” унлиси чўзиб талаффуз қилинганда, II шахс буйруқ майлидаги сўзда буйруқ оҳангидан кўра илтимос мазмуни етакчилик қилади. Айрим ҳолларда унлининг чўзиқ айтилганини ифодалаш учун унинг бирдан ортиқ ёзилганига гувоҳ бўламиз. Айтайлик, юқоридаги сўзда биринчи товуш фонетик сатҳдан оғиш ўлароқ чўзиб айтилганда, бу сўзда ялиниш ёки эркаланиш муносабати англанган бўлар эди. “Й” ундошининг чўзиб талаффуз қилиниши буйруқ майлидаги сўзга юкланган “буйруқнинг” қатъий эканлиги, муҳокама этилмаслигига ишора қилинади. Бу эса лирик қаҳрамоннинг айни вақтдаги руҳий ҳолатини очиб беришда катта қимматга эга.

Шеьрдаги бундай қатъий буйруқ оҳанги билан дастлаб “карвоннинг тўхташи” шарт эканини, унинг ҳаракатлари хатарли эканлигини англаш мумкин бўлса, кейинги навбатда лирик қаҳрамондаги руҳий ҳолатнинг кўтарилишини – карвон тўхтамаган чоғда – унинг қатъий чора кўришга мажбурлигини ҳис қилиш мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, бугунги шеърият нафақат тематик, балки ифода шаклига кўра ҳам аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Қатъий қолиплашган шеър архитектоникаси қайсидир маънода шеър тематикасини бошқарар ва бу билан ижодкорга қатор чекловларни туғдирар эди. Шеър архитектоникасига янгича муносабат эса унга энг аввало ифода воситаси дея қаралиши билан характерланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. XII жилдли. 1-жилд. /М.Аминов, Б.Аҳмедов ва бошқ. таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. – 736 б.

2. *Достоевский:* Эстетика и поэтика: Словарь-справочник / Сост. Г.К.Щенников, А.А.Алексеев; науч. ред. Г.К.Щенников. Челябинск: Металл, 1997. – 272 с.

3. *Қуронов. Д.*Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 476 б

4.Қуронов. Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 408 б.

5. *Қутбиддин А*. Ҳаёл кечаси. – Тошкент: Ёзувчи,1994. – 28 б.

6. *Мирзо И.* Сени бугун кўрмасам бўлмас. – Тошкент: Истиқлол, 2005. – 204 б.

7. *Азим У*. Фонус. – Тошкент: Шарқ, 2010 . – 159 б.

8. *Тоғаев Я.* Тасалли. Сайланма. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 64 б.

9. *Лафасов М.* Жаҳон тарихи. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2005. – 366 б.
10. *Қуронов Д.* Талқин имконлари. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – 88 б.
11. *Ёқубов. И.* Руҳ ва фикр эркинлиги // Илм сарчашмалари. УрДУ ахборотномаси, 2002. – № 4. – Б. 54–56.

ARCHITECTURE OF THE POEM AND ITS INTERPRETATIONS IN LITERARY STUDIES

T.Sh. Tojidinov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 5(65). 67-74.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: architectonics, thematic composition, poetry, graphic form, accompanying text.

This paper deals with the Architectonics of a work of art, in particular poetry, based on general conclusions about the concept of architectonics. The conditions of privatization of the laws of Architectonics for a work of art are analyzed. One of the defining criteria of the article is to look at Architectonics as a means of expression, aimed at identifying the aspects that make up the Architectonics of a lyrical work.

The main reason why the term architectonics is explained in the example of architectural art is related to the essence of the term. This essence is characterized by the fact that for Architectonics the material aspect of the work is a primary issue. The work of literature, which is considered an art form, also has its own architecture. The material aspect of a work of art consists of the word, its form of expression, location, groups organized according to certain laws (section, chapter, stage, curtain, band, etc.) and their interaction. It is possible to observe many combinations associated with the manifestation of the units listed above, which ensures the uniqueness of the architecture belonging to a single work.

Because the object of each art form differs drastically from one another, its components also differ accordingly. Accordingly, determining the material components of a particular work of art, the status of the parts (primary or secondary), their interrelationships and proportions remains the primary issue in forming a holistic view of the architecture specific to the art form to which the work belongs.

Based on the above, it is reasonable to say that the components of a particular work, the relationship between them and the interrelationship of the parts constitute the architecture that belongs only to this work.

M.V.Zagidullina on the literary meaning of the term *"Architectonics is the construction of a literary work as a whole, the relationship of its main components and elements."* Although [2. P. 1] expresses almost the same opinion as the above general tariff, the phrase *"the basic meaning of the term architectonics is determined by its object"* [2. P.1] refers to the fact that, like us, architectonics takes on a different meaning in each particular work.

The uniqueness of architecture is preserved not only between a number of types of art, but also between different branches of a single art form. In particular, this characteristic of the concept is also evident in the epic, dramatic and lyrical types of fiction. This is because *"traditionally distinguishes large groups – epic, lyrical, and dramatic genres – that have much in common with aspects of the literary organization of literary works, such as the subject matter, object, and subject relationship*" [1. P. 669]. The important aspects in classifying the work of art mentioned above also serve as a defining point for the architecture of the work.

References:

1. Aminov, M. (et.al) (2000) *O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi* [National encyclopedia of Uzbekistan]. In 12 volumes. Vol. 1. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.
2. Shchennikov, G.K.(ed.) (1997) *Dostoevskij: Estetika i poetika: Slovar-spravochnik* [Dostoevsky: Aesthetics and Poetics: Dictionary-reference]. Chelyabinsk: Metall.
3. Quronov, D.(2018) *Adabiyot nazariyasi asoslari* [Basics of literary theory] .Tashkent: Akademnashr.
4.Quronov, D., Mamajonov Z., Sheraliyeva, M. (2013) *Adabiyotshunoslik lug‘ati* [Dictionary of literary studies].Tashkent: Akademnashr.
5. Qutbiddin, A. (1994) *Hayol kechasi* [Dream night]. Tashkent: Yozuvchi.
6. Mirzo, I. (2015) Seni bugun ko‘rmasam bo‘lmas [I can't see you today]. Tashkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ujodiy uyi.
7. Azim, U. (2010) *Fonus* [Lantern].Tashkent: Sharq.

8. Tog‘aev, Ya. (1993) *Tasalli* [Comfort]. Tashkent: G’afur G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti.
9. Lafasov, M. (2005) Jahon tarixi [World history]. Tashkent: Turon-Iqbol.
10. Quronov, D. (2015) *Talqin imkonlari* [Interpretation possibilities]. Tashkent: Turon zamin ziyo.
11. Yoqubov, I. (2002) *Ruh va fikr erkinligi* [Freedom of spirit and thought]. *Ilm sarchashmalari. UrDU axborotnomasi.* No 4. Pp. 54-56.

Муаллиф ҳақида маълумот:
ТОЖИДИНОВ Тошпўлат Шокиржон ўғли – Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси таянч докторанти. E-mail: xurshidshams@mail.ru